

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
QUMQO'RG'ON TUMANI  
HOKIMINING  
**QARORI**



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН  
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
**РЕШЕНИЕ**  
**ХОКИМА**  
**КУМКУРГАНСКОГО РАЙОНА**

190900. Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy, tel: 0(376)46-52-511, fax: 0(376)46-52-511

20 20 yil " 21 " апрел

K-614 -sonli

**Туман худудларидаги каналлар, суғориш ва  
коллектор-дренаж тармоқларининг сувини  
муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи  
минтақаларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси худудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 981-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, туман Ирригация бўлимининг хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Конунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Қумкўрғон тумани худудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйи ҳимоя минтақалари қирғоқдан сув ўтказиш қобилиятига қараб, 25 метрдан 50 метргача, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 5 метрдан 12 метргача ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 2 метрдан 7 метргача этиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш, ифлослантирувчи нарсалар (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, майший оқавалар) ташлаш, шунингдек заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шахобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб кўйилсин.

3. Туман худудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақаларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Мазкур қарор тумандаги “Кумқўрғон садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ч.Ўтаганов зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими

Р.Гаппаров



TO'G'RI  
ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYAT  
QUMQO'RGIN TUMANI  
HOKIMI UMUMIY  
BO'LIM MUDIR'

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
АМУ-СУРХОН ИРИГАЦИЯ  
ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА  
БОШҚАРМАСИ  
ҚУМҚЎРҒОН ТУМАНИ  
ИРИГАЦИЯ  
БЎЛИМИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
SUV XO'JALIGI VAZIRLIGI  
AMU-SURXON IRRIGASIYA  
TIZIMLARI HAVZA  
BOSHQARMASI  
QUMQO'RG'ON TUMANI  
IRRIGASIYA  
B O' L I M I

*Qumqo'rg'on tumani, Bog'aro mahallasi, O'zbekiston shoh ko'chasi 3-uy, tel.: 0(376)46-52-694, fax: 0(376)46-52-694*

20~~20~~ yil "2" *Aprel.*

*01-9/26.* - sonli

Қумқўрғон туман  
ҳокими Р.Гаппаровга

Ҳурматли Раҳматулла Бобохонович

Қумқўрғон туман Иригация бўлими Сизга шуни ёзиб маълум қиладики,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги  
981-сонли қарор ижросини таъминлаш бўйича.

Қумқўрғон тумани худудидан оқиб ўтувчи сойлар,каналлар,қирғоқ буйи  
химоя минтақаларини қирғоқдан сув ўтказиш қобилиятига қараб **25 метрдан 50**  
метргача, коллектор дренажлар умумий чуқурлигига қараб **5 метрдан 12**  
метргача, туманлараро каналлар сув ўтказиш қобилиятига қараб **25 метрдан 50**  
метргача, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари сув ўтказиш  
қобилиятига қараб **5 метрдан 12 метргача** ҳамда хўжалик ички суғориш ва  
зовур тармоқлари учун сув ўтказиш қобилиятига қараб **2 метрдан 7 метргача**  
белгиланган, юқоридагиларни инобатга олган ҳолда туман ҳокимининг қарорини  
чиқариб беришингизни сўраймиз

SAHIFALAR SONI	KIRISH NO
100 RAZONI UZBEK	442/01-20
YODA	SANASI
	03.09.20

Қумқўрғон туман Иригация  
бўлими бошлиғи:

Р.Холияров